

**“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”  
ва “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим  
йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” лойиҳаларини  
кўриб чиқиш бўйича**

**УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

Мазкур давлат таълим стандартларининг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарори асосида янгидан ишлаб чиқилди. Ушбу стандартлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан тасдиқланишидан аввал уларни **экспертлик даражасида атрофлича ўрганиб чиқиш ва кўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:**

1. Стандартлар таълим жараёнини меъёрлаш бўйича минимал талабларни **тўлиқ ва етарлича** ифода этганини кўриб чиқиш.

2. “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”да белгиланган таълим ҳажмларининг фоизлари ва вақт меъёрлари **барча соҳалар учун мақбуллигини** кўриб чиқиш.

3. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”да тор доирадаги йўналишлар ва мутахассисликлар ниҳоятда кўпайиб кетгани юзасидан ўринли эътирозлар билдирилмоқда (*Мисол учун Россиядек улкан мамлакатнинг Классификаторида 182 та бакалавриат йўналишлари ва 196 та магистратура мутахассисликлари мавжуд, бизда 272 та баклавриат йўналишлари ва 561 та магистратура мутахассисликлари Классификаторга киритилган*). Шу сабабли Классификатордаги йўналишлар ва мутахассисликларни меҳнат бозори конъюнктурасидан келиб чиқиб, тегишли кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилотлар билан биргаликда қайта кўриб чиқиш, уларни зарур ҳолларда **қисқартириш ва оптимизация қилиш** лозим.

4. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”нинг лойиҳаси ЮНЕСКОнинг “Таълимнинг халқаро

стандарт классификацияси. Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари” (ТХСК-С 2013) принциплари асосида тайёрлангани муносабати билан:

- бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ТХСК-С 2013 га мувофиқ **билим соҳалари ва таълим соҳаларига** тўғри киритилганини кўриб чиқиш;

- бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига ТХСК-С 2013 нинг **тўрт хонали кодлари** тўғри белгиланганини ўрганиб чиқиш;

- айрим йўналиш ва мутахассисликларга (маданиятшунослик, телекоммуникация технологиялари, аудио-видео технологиялар, машиносозлик технологияси, нефть-газ кимё технологияси, сув хўжалиги ва мелиорация, ирригация тизимларида сув энергиясидан фойдаланиш ва бошқалар) ТХСК-С 2013 нинг **“88”лик** (фанлараро ва кенгайтирилган дастурлар) коди тўғри белгиланганини кўриб чиқиш.

# Лойиха

## Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонунига мувофиқ олий таълимнинг ўқув-услугий ва норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида

### Б У Ю Р А М А Н:

1. “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” ҳамда “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарори, ЮНЕСКО томонидан жорий этилган “Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси” (ТХСК 2011) ҳамда “ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари” (ТХСК-С 2013) ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилгани, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг “.....” 2021 йил ..... даги ПҚ-.....-сонли қарори билан бекор қилингани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий коидалар” 1-иловага мувофиқ;

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазир ўринбосари (У. Бегимкулов):

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий коидалар” ва “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонунининг 26 ва 34-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқлангани;

мамлакатнинг барча давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосида кадрлар тайёрловчи нодавлат таълим ташкилотлари учун мажбурийлигини олий таълим муассасалари ва тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга етказилишини таъминласин.

4. Таянч олий таълим муассасалари ректорларига тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва ўқув дастурларини кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мустақил равишда ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлашни таъминласин.

5. 2020/2021 ўқув йилида кредит-модуль тизимига ўтмаган барча олий таълим муассасалари тасарруфийлигидан қатъий назар 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизимига ўтказилиши белгилансин.

6. Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков), Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиков), Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (З.Хакимов), таянч олий таълим муассасалари ректорлари:

тасдиқланган “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий коидалар” ва “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”ни мазмун-моҳиятини барча олий таълим муассасаларига етказишни;

2021 йил 1 апрелга қадар таълим жараёнига оид барча меъёрий-услубий ҳужжатларни мазкур буйруқ асосида қайта кўриб чиқилишини ва тасдиқланган стандартларга мувофиқлаштирилишини;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизимига ўтган олий таълим муассасаларидан 2020 йилда жорий этилган таълим соҳалари бўйича давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурлари

юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар олиниши, таҳлил қилиниши ва зарур ҳолларда бунинг асосида ушбу меъёрий-услубий ҳужжатлар янги ўқув йилига қадар такомиллаштирилишини;

жорий ўқув йилида кредит-модуль тизимига ўтмаган барча олий таълим муассасаларига тасарруфийлигидан қатъий назар 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизимига ўтказилишида яқиндан ўқув-услубий ёрдам ва ташкилий кўмак беришни;

янги ўқув режа ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилиши жараёнида турдош олий таълим муассасаларининг таклифлари ва фикр-мулоҳазалари инобатга олинишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқ бажарилишини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**А. Тошқулов**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМИНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ**  
**СТАНДАРТЛАРИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ**  
**Асосий қондалар**

**Мундарижа**

**Кириш**

1. Қўлланиш соҳалари
2. Норматив ҳаволалар
3. Таърифлар
4. Олий таълимни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифалари ва турлари
5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режалари ва фанлар дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар
6. Битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари
7. Ўқув юкларининг ҳажми
8. Кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

**Кириш**

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарори, “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон, “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарорлари,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **1. Қўлланиш соҳалари**

«Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар» (бундан кейин ОТ ДТС деб аталади):

кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйиладиган умумий талабларни;

таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли билим даражаси ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган умумий малакавий талабларни;

ўқув юкламасининг ҳажмини;

таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиботлари ҳамда механизмини белгилайди.

ОТ ДТС ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар (таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари ва бошқалар) яратиш учун асос ҳисобланади.

ОТ ДТС олий маълумотли кадрлар тайёрлашда идоравий бўйсунуш ва мулкчилик шаклларида катъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган давлат таълим стандартлари асосида кадрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун мажбурийдир.

ОТ ДТСга мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда тузатишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

## **2. Норматив ҳаволалар**

Oz DSt 1.0:1998. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар;

ЎзРСТ 1.8-94. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Амал қилинадиган ҳужжатларни ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;

Oz DSt 1.9-1995. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси (ТХСК 2011). ЮНЕСКО, 2011 й.

### 3. Таърифлар

Мазкур стандартда куйидаги атамалар кўлланилади:

**олий таълим** — узлуksиз таълимнинг олий таълим муассасаларида амалга оширилган, юкори малакали мутахассислар тайёрловчи икки bosкичдан iborat (бакалаврият ва магистратура) мустақил тури;

**бакалаврият** — олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир;

**магистратура** — тегишли бакалаврият негиздаги аник мутахассислик бўйича давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир;

**бакалавр, магистр** — олий таълимнинг тегишли bosкичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар;

**олий маълумот даражаси** — шахс томонидан олий таълимнинг муайян ўқув режалари ва фанлар дастурини мазкур маълумот хақида тегишли давлат хужжати берилган холда, ўзлаштириши натижаси;

**олий маълумот хақида давлат хужжати (диплом)** — аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг ўқув режалари ва фанлар дастурини бажарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги хужжат. Хужжат узлуksиз таълимнинг кейинги bosкичларида ўқиниши давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш хукукини беради;

**олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори** — олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалаврият таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати;

**олий таълимнинг давлат таълим стандарти** — муайян таълим соҳасига (соха таркибига) кўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, битирувчилар умумий тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражаси, кадрлар тайёрлаш сифати ва уни баҳолаш даражаларини белгилайдиган талаблар мажмуи;

**малака талаблари** — олий таълим тегишли bosкичи битирувчисининг билим, ўқув, кўникма ва компетенцияларига кўйиладиган талаблар;

**ўқитишнинг меъёрий мuddати** — таълим олувчилар томонидан ўқув режалари ва фанлар дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган мuddат;

**ўқув фанлари блоки** — ўқув режалари ва фанлар дастурларининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аник мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятнинг ўзлаштирилишини таъминлайдиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми;

**ўқув режаси** — олий таълимнинг муайян бакалаврият таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмининг белгилайдиган меъёрий-услубий хужжат;

**ўқув фани** — таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, ўқув ва кўникмалар тизими;

**ўқув йили** — олий таълим муассасасида бир таълим курсини якунлашга мўлжалланган ўқув фаолияти даври. Ўқув йили икки календарь йил билан белгиланади, масалан, 2020/2021 ўқув йили;

**ўқув семестри** — олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзaro боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми. Айрим холларда ўқув семестри ўқув йилининг учдан бир қисмини ташкил этиши мумкин;

**ўқув дастури (фан дастури)** — таълим мазмунини белгилувчи ўқув фанининг асосий мавзулари, мазмуни, ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив хужжат;

**малака амалиёти** — ўқув жараёнининг назарий билимларни мустахамлаш, амалий кўникма ва ўқув хосил қилиш, ўқув режалари ва фанлар дастурларининг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми;

**якуний давлат аттестацияси** — бакалавр ёки магистр даражасига кўйиладиган малака талабларига мувофиқ холда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертацияси химояси) битирувчи томонидан олий таълим ўқув режа ва дастурларининг бажарилиши сифатини баҳолаш;

**ўқитиш сифатини назорат қилиш** — талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш;

**таълим сифатини назорат қилиш** — ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш;

**олий таълим муассасаси аттестацияси** — давлат таълим стандартларига мувофиқ олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш ва кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатини аниқлаш бўйича давлат назоратининг асосий шакли;

**олий таълим муассасаси аккредитацияси** — олий таълим муассасаси фаолияти даражасини олий таълим давлат таълим стандартларининг мезон ва талабларига жавоб бериши ҳамда битирувчиларига таълим тўғрисидаги хужжатларни бериш хукукининг давлат томонидан эътироф этилиши;

**стажировка (ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида, хорижда тажриба орттириш)** — магистратура мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўқув режа ва дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш мақсадида таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрларни энг янги илмий-

техник ривожланишдаги ютуқлар ҳамда иктисод, фан, техника, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги замонавий техника ва технологиялар базасида илмий талқикот олиб бориши.

#### 4. Олий таълимни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифалари ва турлари

##### 4.1. Стандартлар тоифалари.

Олий таълим стандартлари куйидаги тоифаларга бўлинади:

- Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;
- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори;
- Таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари.

Маъмур стандартлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Муайян таълим соҳасининг давлат таълим стандарти куйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- зарварақ (титул);
- мундарижа;
- муайян таълим соҳаси (соҳа таркиби)нинг умумий таснифи;
- таълим соҳаси битирувчиларининг компетенция даражасига кўйилмаган умумий талаблар;
- ўқув режа тузилмаси;
- қарлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш.

Таълим соҳасининг давлат таълим стандарти иккита (бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари) қисмдан иборат бўлади.

##### 4.2. Норматив ҳужжатлар турлари

Куйидагилар олий таълимнинг норматив ҳужжатлари ҳисобланади:

- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурлари;
- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим муассасаларининг муайян иш фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар.

##### 4.3. Норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш

Олий таълимнинг таълим соҳалари давлат таълим стандартлари ва норматив ҳужжатлари “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” ва Oz DSt 1.0:1998, ЎзРСТ 1.8-94, Oz DSt 1.9-1995 стандартларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилади.

#### 5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режалари ва фанлар дастурлари мазмунига кўйилмаган умумий талаблар

##### 5.1. Бакалаврият

Олий таълимнинг ўқув режалари ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус таълим билан узвийлик ва узлуксизлиги таъминлаган ҳолда ишлаб чиқирилиши зарур. Ўқув режалар куйидаги фанлар блоklarини ўз ичига олиши лозим:

- Соғлиқни сақлаш таълим соҳасидан ташқари барча таълим йўналишлари учун;  
Табий-илмий ва гуманитар фанлар;  
Умумқасбий фанлар;  
Ихтисослик (мутахассислик) фанлари;  
Кўшимча фанлар.

• Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг даволаш фаолияти билан туташган йўналишлари учун:  
Клиника олди модуллар;  
Клиник модуллар;  
Электив модуллар (1-, 2-, 3-блок модуллари учун худудий компонент).

- Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг даволаш фаолияти билан туташ бўлмаган йўналишлари учун:  
Умумқасбий модуллар;  
Махсус модуллар;  
Электив модуллар (1-, 2-, 3-блок модуллари учун худудий компонент).

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтирилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда танлов фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режалари ва фан дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалаврият йўналишларининг таълим жараёни ўқув режаларига мувофиқ яқуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.  
Таълим соҳаси (йўналиши)нинг хусусиятидан келиб чиқиб, таянч олий таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ўқув режаларининг таркибий тузилмаси (фанлар блоklари) ўзгартирилиши мумкин.

5.1.1. Ўқув фанлари блоklари мазмунига кўйилмаган умумий талаблар  
**Табий-илмий ва гуманитар фанлар блоklари** умумий ўрта ва ўрта махсус таълим негизида олинган билимларни тўлдириши, математик ва табий-илмий фанлар таълим йўналишлари билан узвий боғланган ҳолда чуқур ўзлаштирилишини, таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳияти бойитилишини таъминлаши лозим.

**Умумқасбий фанлар блоklари** табий-илмий фанлар негизида таълим йўналиши ва соҳага оид зарур фундаментал умумқасбий билимлар, амалий

кўникма, ўқув ва компетенцияларни шакллантириши, махсус (ихтисослик) фанларни ўзлаштиришга замин яратиши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки** тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билим, касбий фаолияти кўникмалари, ўқув ва компетенцияларни шакллантириши, муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга замин яратиши лозим.

**Кўшимча фанлар блоки** талабаларнинг таълим фанлари бўйича кўшимча чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши, таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

**Клиникагача фанлар** умумий ўрта ва ўрта махсус таълим билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatта олган ҳолда тиббиётда қўлланиладиган клиникагача фанларнинг мазмуни ва моҳиятини белгилаш, фундаментал фанларнинг тиббиётдаги ўрни, аҳамияти ва клиник фанлар билан боғлиқлиги ҳақида назарий ва амалий билим ва кўникмаларни шакллантириши лозим.

**Клиник фанлар** соғлиқни сақлаш соҳасида мамлакат ва жаҳон миқёсида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, махсус клиник билимларни, амалий кўникма ва компетенцияларни шакллантириш, магистратура мутахассислиги бўйича таълимни давом эттириш негизини яратиши лозим.

**Танлов фанлари** тиббиётда инновацион даволаш ва диагностика усулларига, ҳудудлардаги долзарб тиббиёт муаммоларга, соғлиқни сақлаш тизимининг регионал компоненти юзасидан чуқур билим, соғлиқни сақлаш тизими конъюнктурасига мувофиқ кўникма, ўқув ва компетенцияларни таъминлаши лозим.

#### 5.2. Магистратура

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фан дастурлари мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фан дастурлари бакалаврият таълим йўналишларининг ўқув режалари ва фан дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatта олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Ўқув режалар қуйидаги фанлар блоklarини ўз ичига олиши лозим:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Ўқув режалар ва фан дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда танлов фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабалар ўқув режалар ва фан дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича муस्ताқил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув жараёни ўқув режаларига мувофиқ яқиний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

5.2.1. Ўқув режанинг ўқув фанлари блоklари мазмунига қўйиладиган минимал талаблар.

**Умумметодологик фанлар блоки** илмий тадқиқот методологияси доирасида илмий изланиш ва таҳлил, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, махсус фанларни ўқитиш методикаси доирасида педагогик технологиялар, таълим тамойиллари, замонавий усуллари ва бошқалар ҳақида талабалар кенг тасаввурга эга бўлишини таъминлаши лозим.

**Мутахассислик фанлари блоки** мутахассисликка доир долзарб илмий-методологик, илмий-техник ахборотларга таянган чуқур билим, ўқув, кўникма ва компетенцияларни талабаларда шакллантириши лозим.

Илмий фаолият блоки илмий-тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида муайян илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий-тадқиқот ишлари** магистрантларда муस्ताқил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши, илмий-тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, замонавий ахборот базаларини қўллаш, илмий мақолалар ва диссертация тайёрлашга доир билим, ўқув ва кўникмаларни шакллантириши лозим.

**Илмий-педагогик ишлар** замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши, ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш ўқув ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Илмий-тадқиқот ишлари тақозо этганда индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида стажировка ташкил этилади. Бунда стажировкага йўлланган магистратура талабаси ўқув жараёни жалдвалини индивидуал график асосида бажариши кўзда тутилади.

**Стажировка** талабанинг илмий-тадқиқот олиб бориши, назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириш, муайян соҳа ва тармоқдаги замонавий техника ва технологиялар билан танилиши, амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларини шаклланиши, касбга самарали мослашувни таъминлаши лозим.

## 6. Битирувчиларнинг тайёрларлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари

6.1. Олий таълим муассасалари битирувчилари тайёрларлигига нисбатан қўйиладиган талаблар таълим соҳалари бўйича Олий таълимнинг

давлат таълим стандартлари ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг Малака талабларида баён этилади.

**Бакалаврият** ЮНЕСКО томонидан жорий этилган “Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси” (ТХСК 2011) бўйича 6-малака даражасига, **магистратура** 7-малака даражасига мансубдир.

**Бакалаврнинг** тайёргарлигига нисбатан кўйиладиган малака талаблари таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил самарали меҳнат фаолиятини юритишни таъминлаши ҳамда тегишли мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттириш имконини бериши лозим.

**Магистрнинг** тайёргарлигига нисбатан кўйиладиган малака талаблари мутахассислик бўйича магистр академик даражали шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир бошқарув фаолияти билан самарали шугулланишини таъминлаши, тегишли мутахассислик бўйича олий таълимдан кейинги таълимда (таянч докторантура, мустақил изланувчи) тахсил ошлиш имконини бериши лозим.

6.2. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича талабаларга олий таълим муассасалари аро кўшма дастурлар (“Double degree”) асосида ҳам таълим берилиши мумкин. Бунда таълим жараёни давлат таълим стандартларига таянган ҳолда маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасалари ўртасида тузилган келишув (шартнома)да белгиланган талаблар асосида тузиладиган ўқув режа ва ўқув дастурларга мувофиқ амалга оширилади.

## 7. Ўқув юкламасининг ҳажми

### 7.1. Бакалаврият

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтага 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг ҳажми ҳафтага 28-36 соат оралиғида белгиланиши лозим.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки) ўқиш шакли учун бир ҳафтада олатда беш кун, аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтага 26 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (сиртки) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шаклининг камида 30% этиб белгиланиши лозим.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (махсус сиртки) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шаклининг камида 20% этиб белгиланиши лозим.

Ўқилишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Соғлиқни сақлаш таълим соҳасида ўқилишнинг норматив муддати уч йил бўлганда ўқув жараёни 152 ҳафта, беш йил бўлганда 256 ҳафта, олти йил бўлганда 308 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

Ўқув даврлари	Соғлиқни сақлаш таълим соҳасидан ташқари барча таълим соҳалари учун, % ҳисобида	Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси учун, % ҳисобида
Назарий ва амалий таълим	40-60	63 — 70
<i>Шу жумладан, аудитория (контракти) ва мустақил таълимнинг нисбати</i>	<i>40/60 Фойздан 50/50 Фойдгача</i>	
Аттестация	6 - 10	8 — 10
Таътил	8 - 18	12 — 16
Малака амалиёти	10-25	6 — 12
Битирув малакавий иши*	2 - 7	2 — 3

\*Битирув малакавий иши таркибига уни химоя қилиш бўйича Давлат аттестациялари ҳам қиради.

Соғлиқни сақлаш таълим соҳасидан ташқари барча таълим соҳалари учун назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- Табiiий-илмий ва гуманитар фанлар - 15 -25%;
- Умумкасбий фанлар -20- 50 %;
- Ихтисослик фанлари - 20-50 %;
- Кўшимча фанлар - 2 - 7 %.

Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси учун назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидаги жадвалга мувофиқ тақсимланади:

Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси		
Даволаш фаолияти билан туташган ўқув режалар учун блоклар номи	% ҳисобида	Даволаш фаолияти билан туташ бўлмаган ўқув режалар учун блоклар номи
Клиника олди модулллар	21-27	Умумкасбий модулллар
Клиника модулллар	67-77	Махсус модулллар
		% ҳисобида
		66-77
		17-23

Электив модуллар (1-, 2-, 3-блок модуллари учун худудий компонент)	3-7	Электив модуллар (1-, 2-, 3-блок модуллари учун худудий компонент)	3-7
--	-----	--	-----

Таълим йўналишининг «Умумқасбий фанлар» ёки «Ихтисослик фанлар» блоки таркибидagi фанларга мос бўлган «Табий-илмий ва гуманитар фанлар» блоки фанлари учун ажратилган ўқув юклама хажми мазкур таълим йўналиши ўқув режасининг «Умумқасбий фанлар» ёки «Ихтисослик фанлар» блоки таркибига ўтказилиши мумкин.

Бакалаврият таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётини ўташ тартиби ва битирув малакавий ишлари бажариш тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

#### 7.2. Магистратура

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори хажми ҳафтага 54 соат қилиб белгиланиши керак. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотлари ва илмий фаолиятнинг энг юқори хажми ҳафтага 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқининг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташқил этиши зарур.

Соғлиқни сақлаш таълим соҳасида ўқининг норматив муддати уч йил бўлганда ўқув жараёни 152 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқини даврининг умумий хажми қуйидагича тақсимланади:

Ўқини даврининг тарқибий қисмлари	Соғлиқни сақлаш таълим соҳасидан ташқари барча таълим соҳалари учун, % ҳисобида	Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси учун, % ҳисобида	
		Даволаш фаолияти билан тугаган мутахассисликлар	Даволаш фаолияти билан тугаган бўлмаган мутахассисликлар
Назарий ва амалий таълим	40 - 60	50 — 55	30 — 40
Ўзбекистон мустақил таълим ва илмий фаолият	40/60 фонддан 50/50 фондга		
Аттестация	4 - 7	4 — 7	4 — 7
Таълимлар	13 - 16	13 — 16	13 — 16
Илмий фаолият	50 - 55	30 — 40	50 — 55

Илмий фаолият магистратура талабасининг яқка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

- илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш - 60-75%;
- илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25-40%.

Назарий таълим хажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

Блоклар номи	Соғлиқни сақлаш таълим соҳасидан ташқари барча таълим соҳалари учун, % ҳисобида	Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси учун, % ҳисобида	
		Даволаш фаолияти билан тугаган мутахассисликлар	Даволаш фаолияти билан тугаган бўлмаган мутахассисликлар
Умумметодологик фанлар	10 - 20	10 - 20	20 - 30
Мутахассислик фанлари	40 - 50	65 - 75	50 - 60
Танлов фанлари	10 - 15	10 - 15	10 - 15
Илмий фаолият	50	50	50

Магистратура мутахассисликлари талабаларининг илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш тартиби ва малака амалиёти (стажировка)ни ўташ тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

#### 8. Кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

8.1. Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш  
Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

ички назорат олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади;

ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан тасдиқлаган Рейтинг назорат тизими ҳақидаги низом асосида, шунингдек, таълим жараёни кредит-модуль тизимига ўтказилган олий таълим муассасаларидаги бирликлари (кредитлар)га асосланган мезонларга мувофиқ ўтказилади;

яқуний давлат назорати олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича уларнинг ўқув режаларига мувофиқ равишда ўқув фанлари бўйича давлат аттестацияси, бакалаврият талабаси учун битирув малакавий иши ёки магистратура талабаси учун диссертация химоясини ўз ичига олади;

давлат-жамоатчилик назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқарув органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буржумачилари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

ташки назорат белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

#### 8.2 Олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонуни ва тегишли қонуности ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

### 9. Ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тadbик этиш тартиби

9.1. Ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва тadbик этиш тартиби.

9.1.1. Ўқув режаларнинг асосий максaди ва вазифаси:

- ўқув режанинг асосий максaди – давлат таълим стандартлари ва малака талабларида бақалар ва магистрларнинг малақаларига қўйилган талабларга мувофиқ етуқ ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун муайян бақалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассислиқларига онд ўқув фанлар, уларнинг ҳажми, машғулотлар турлари, ўқув жараёнининг мазмуни, таркиби ва ўқитишнинг мантиқий кетма-кетлигини белгилаш ҳамда тартибга солиш;

- ўқув режанинг асосий вазифаси – давлат таълим стандартларига мувофиқ муайян бақалаврият йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича жаҳондаги илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги ютуқларини, таълим жараёнини ташкил қилишда илгор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёни давомида ўқув фанларини алоҳида блоқлар (семестрлар ва ўқув йиллари) таркибида мантиқий кетма-кетлигда мақбул ҳолатга келтириш, ўқув йиллари ва семестрлари давомида ўқув фаолият даври, турлари, соатлар ҳажми ҳамда якуний назорат муддатларини белгилаш.

9.1.2. Олий таълим йўналишлари ва мутахассислиқлари классификаторига тегишли қўшимча ва ўзгартришлар киритилиши муносабати билан таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бақалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислиқларининг малака талаблари, ўқув режалари янгидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

9.1.3. Ўқув режаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва таълим жараёнига жорий этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- ўқув режалар бақалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислиқларининг хар бири бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги белгиланган таянч олий таълим муассасалари томонидан мамлакат иқтисодиёти реал сектори ривожланиши тенденцияларини, жаҳондаги илм-фан, техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, таълим жараёнини

оптимallasштириш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш, фанлар талабалар томонидан самарали ўзлаштирилишини таъминлаш асосида, “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қондалар”, Олий таълим йўналишлари ва мутахассислиқлари классификатори, таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бақалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислиқларининг малака талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади;

- ўқув режалар таълим йўналишлари ва мутахассислиқларга онд фанларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб аудитория (маъруза, амалий, семинар, лаборатория ва бошқа машғулотлар) ва мустақил машғулотлар, ўқув ва ишлаб чиқариш (клиник, ижодий ва бошқа) амалиётлари, курс лойиҳаси, курс иши, ижодий ва бошқа ўқув вазифалари шаклида мантиқий кетма-кетликда уларга ажратилган вақт меъёрларига амал қилган ҳолда шакллантирилади;

- ўқув режалар жалвал шаклида А-4 форматли стандарт варақларининг икки тарафига Times New Roman шрифтининг мақбул ўлчамида бостириб чиқарилади.

- мазкур Стандартнинг 5 – 9 бандларига мувофиқ олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда таянч олий таълим муассасалари томонидан тайёрланган ўқув режалар Олий таълим йўналишлари ва мутахассислиқлари классификатори, таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бақалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислиқларининг малака талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни Ривожлантириш тadbикотлари ва илгор технологияларни тadbик этиш марказида экспертизадан ўтказилади;

- экспертизадан муваффақиятли ўтган ўқув режалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан келишилади ва тегишли таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланади;

- тасдиқланган ўқув режалар белгиланган тартибда 2 нусхала расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тadbикотлари ва илгор технологияларни тadbик этиш марказида эталон сифатида, бир нусхаси тегишли таянч олий таълим муассасасида сақланади;
- таянч олий таълим муассасалари тасдиқланган ўқув режаларнинг аслидан нусха кўчириб тегишли олий таълим муассасаларига тарқатади;

- таълим жараёнини бевосита қойларда муқаммал ташкил қилиш ва машғулотларни тизимли тартибга солиш максaдида олий таълим муассасалари томонидан ўқув режалар асосида хар ўқув йили учун ишчи ўқув режалар ишлаб чиқилади ва олий таълим муассасасининг Кенгаши қарори билан тасдиқланади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юқламасининг хафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ишчи ўқув режаларда ўқув фанлари блоқи ҳажмини 5 фонзгача, блоқлар таркибидаги фанлар ҳажмини

10 фонзгача ўзгартриш ҳукуки бериллади. Зарур ҳолларда таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг касбий фаолият объектлари ҳисобидан, фан, техника ва технологиялар янгиланган келиб чиқиб ишчи ўқув режалардаги ўқув фанлари блоқи хажми ва блоklar таркибидagi фанлар хажми ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги руҳсати билан бундан юқори фонзларга ҳам ўзгартрилиши мумкин;

• Ишчи ўқув режалар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (қундузги) ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки, сиртки, масофавий) ўқиб шакллари учун “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалари”га мувофиқ ишлаб чиқилади.

9.2. Ўқув дастур (фан дастур)ларини ишлаб чиқиш ва талбиқ этиш тартиби.

9.2.1. Фан дастурларининг асосий максaди ва вазифаси:

• Фан дастурининг асосий максaди – давлат таълим стандартлари ва малака талабларида бақалар ва магистрнинг билими, ўқуви, кўникма ва компетенцияларига кўйилган талабларга мувофиқ ўқув режага киритилган муайян фан томонидан рақобатбардош мутахассисларни сифатли тайёрлаш учун шакллантирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва компетенциялар мажмуини белгилаш, фан мазмуни ва таркибий қисмларини тартибга солишдир;

• Фан дастурининг асосий вазифалари:

– фанга оид жаҳондаги илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги ютуқларини, илгор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ўқув машғулотлар мавзуларини шакллантириш, таълим шакли ва ўқув фанга ажратилган вақтга мувофиқ ўқув материалларни мавзулар ва ўқув машғулотлар турлари бўйича тақсимлаш, мақбул ҳолатга келтириш ва оптималлаштириш, уларнинг мантқий кетма-кетлигини ҳамда бошқа фанлар билан интеграциясини таъминлаш;

– узлуқсиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуқсизлигини, шунингдек, фаннинг мазмун ва мавзулари бошқа таълим турларидаги ҳамда турдош йўналишлардаги фанларнинг мазмун ва мавзулари билан тақорланмаслигини таъминлаш;

– фанни ўзлаштириш, талабаларда фанга оид компетенцияларини, касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш учун зарур ўқув-услубий шартлар, ўқув адабиётлар, дидактик материалларни ҳамда баҳолаш воситалари ва усуллари ёрдамида талабалар билимини назорат қилиш шакллари белгилаш.

9.2.2. Фан дастурлари Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига тегишли кўшимча ва ўзгартришлар киритилганда, таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бақаларнинг таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режалар қайта ёки янгидан тасдиқланганда, таълим

жараёнига янги фанлар ёки курслар киритилганда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

9.2.3. Фан дастурида ўқув материаллар маъруза, семинар, коллоквиум, амалий ва лаборатория машғулотлари, ўқув ва ишлаб чиқариш (клиник, ижодий) амалиётлари шаклида мантқий кетма-кетликда белгиланади, ўқув фаннинг максaди ва вазифасига мувофиқ курс лойихаси, курс иши, мустақил иш, чизма-ҳисоб, ижодий, лаборатория ва бошқа ишлар ажратилган вақт меъёрларига мувофиқ фан дастурига киритилади.

9.2.4. Фан дастури кўйдаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

• “Зарварақ” (тигул варағи)да олий таълимни бошқариш бўйича вақолатли давлат органи номи, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиш (мутахассислик)ларнинг шифри ва номлари, ҳаракатдаги ўқув режага мувофиқ фаннинг тўлиқ номи, рўйхатга олинган ва тасдиқланган саналари ва белгилари кўрсатилади;

• фан дастурининг биринчи бетида унинг асосий параметрлари (фан коди, қайси ўқув йилдан жорий этилганлиги, семестр, фанга ажратилган кредитлар (соатлар), фан тури (мажбурий/танлов), таълим тили, ҳафтадаги дарс соатлари, фаннинг номи, аудитория ва мустақил машғулотлар ҳажми, жами юқлама) жадал шаклида белгиланади;

• “Фаннинг мазмуни”. Бунда ўқув фаннинг максaди ва унинг асосий вазифалари тегишли йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади;

• “Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)”. Ўқув фаннинг мавзулари мантқий кетма-кетликда келтирилади, ҳар бир мавзунинг мохияти асосий тушунчалар ва қисқа ифодалар орқали талабаларга давлат таълим стандарти ва малака талаблари асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар қамраб олинган ҳолда очиб бериллади. Асосий назарий қисм модуллар шаклида берилиши мумкин;

• “Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар”. Ўқув фаннинг мохияти ва назарий мавзуларига мос равишда амалий, семинар ва лаборатория машғулотларининг мавзулари, ушбу машғулотларни ўтқизиш шакллари, унда қўлланиши тавсия этиладиган технологиялар, усуллар, воситалар зарур ҳолларда муҳокама этиладиган мавзулар, масалалар вариантлари, лаборатория ишларининг мазмуни, максaди, ишлатиладиган жиҳозлар ва ашёлар рўйхати ҳамда фан мохиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар ёритилади. Мувофиқ равишда курс лойихаси ва курс ишлари, ижодий ишлар мохияти, мазмуни, максaди, мавзулари уларни бақариш шакллари, уларда қўлланиши тавсия этиладиган усуллар, бақариш бўйича қисқа услубий кўрсатмалар ҳамда фан мохиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар ёритилади. Шунингдек, ушбу қисмда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларининг максaди, вазифаси, шакли, мазмуни, амалиёт жараёнида

талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли юзасидан қисқа услубий кўрсатмалар бериллади;

- “Мустақил таълим ва мустақил машғулотлар” қисмида мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар, мустақил машғулотлар жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган ишлар реферат, эссе, мустақил (ижодий) иш, муаммоли маъруза ва бошқаларнинг мавзу ва мазмуни, келтирилади;

- “Фан ўқитишнинг натижалари ва шаклландirilgan касбий компетенциялар”. Мазкур қисмда таълим йўналиши (мутахассислик)га мувофиқ муаян фан бўйича талаба эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва компетенциялар баён қилинади;

- “Таълим технологиялари ва методлари”. Мазкур қисмда таълим йўналиши (мутахассислик)га мувофиқ муаян фан бўйича мустақил муаян фан бўйича машғулотларни ташкил қилиш ва ўтишда тавсия этиладиган методлар ва технологиялар қисқа ифодаланади;

- “Кредитларни олиш учун талабалар”. Жорий, оралик назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича тегишли вазифаларни (ёзма иш ва бошқалар) топшириш шартлари белгиланади.

- “Асосий ва кўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари”. Фойдаланиладиган асосий дарсликлар, ўқув кўлланмалар ҳамда кўшимча адабиётлар рўйхатини келтиришда замонавий хорижий ва маҳаллий адабиётлардан, Интернет, турли ахборот коммуникация ресурсларидан, химоя қилинган диссертациялар, монография ҳамда бошқа тавсия этилган ўқув, илмий ва услубий маълумотлар манбаалари келтирилади;

- фан дастурининг охирги бетида уни маъқуллаган Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг баёни раками ва саналари, фан дастурини ишлаб чиққан олий таълим муассасаси номи, тузувчилар исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, тақризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, фан дастури кўриб чиқилган олий таълим муассасаси кенгаши баёнининг раками ва санаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қилишгиллиги тўғрисидаги буйруқ раками келтирилади.

9.2.5. Фан дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва таълим жараёнига жорий этиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- фан дастурлари ўқув режаларда белгиланган хар бир ўқув фани бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги белгиланган таянч олий таълим муассасалари томонидан мамлакат иктисодиёти реал сектори ривожланиши тенденцияларини, жаҳондаги илм-фан, техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, таълим жараёнини оптимallasштириш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш, фанлар талабалар томонидан самарали

ўзлаштирилиши таъминлаш асосида, “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қондалар”, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади;

- тегишли гуманитар фанларига коррупцияга қарши кураш масалалари, ушбу иллатнинг келиб чиқиши, жамиятга етказаетган зарари ва унга қарши қонуний механизмлар ва уларнинг моҳияти ҳақида алоҳида мавзулар киритилиши мақсадга мувофиқ;

- фан дастурлари таълим йўналишлари ва мутахассисликлар мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, ўқув материалларини мазкур Стандартнинг 9.2.4 бандидаги таркибий қисмларининг зарур қисмлари бўйича мантқиқий кетма-кетликда, ўқув фанига ажратилган вақт меъёрига амал қилган ҳолда шакллантирилади;

- фан дастурининг матни А-4 форматли стандарт варақларда, Times New Roman шрифтининг 14-ўлчамда, 1,15 интервалда, чап ва ўнг томонидан – 20, пастидан – 25, юқоридан – 20 мм ўлчамда хошияланган, белларини рақамлангани варақнинг пастки қисмининг марказида жойлаштирилган ҳолатда бостириб чиқарилади;

ҳамда тасдиқланганидан сўнг А-5 форматда брошюра шаклида чиқарилади;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таянч олий таълим муассасалари томонидан тайёрланган фан дастурларини “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қондалар”, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва фан дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги нуктаи назардан экспертизадан ўтказишни ташкил қилади;

- экспертизадан муваффақиятли ўтган фан дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан келишилади ва тегишли таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланади;

- тасдиқланган фан дастурлари белгиланган тартибда 2 нусхада расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш талқикотлари ва илгор технологияларни тadbик этиш марказида эталон сифатида, бир нусхаси тегишли таянч олий таълим муассасасида сақланади;

- таянч олий таълим муассасалари тасдиқланган фан дастурларининг аслидан нусха кўчириб тегишли олий таълим муассасаларига тарқатади;

- таълим жараёнини беvosита жойларда мукамал ташкил қилиш ва машғулотларни тизимли тартибга солиш мақсадда олий таълим муассасалари томонидан хар ўқув йили учун фан дастурлари асосида ўқув фанининг хар бир мавзуси ва машғулотларининг соатлари ҳажми, фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш меъзонлари аниқ

кўрсатилган ишчи фан дастурлари ишлаб чиқилади ва олий таълим муассасасининг Кенгаши қарори билан тасдиқланади. Бунда олий таълим муассасаларига таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг касбий фаолият объектлари хусусиятларидан, фан, техника ва технологиялар янгиликларидан келиб чиқиб ишчи фан дастурлари мавзуларининг мазмунига 10 фоизгача кўшимча ва ўзгартиришга киритиш ҳуқуқи берилади. Зарур ҳолларда ишчи фан дастурлари мавзуларининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги руҳсати билан бундан юқори фоизларга ҳам ўзгартирилиши мумкин.

- Ишчи фан дастурлари ишлаб чиқаришдан ажралган (қундузги) ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки, сиртки, масофавий) ўқиш шакллари учун "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалари"га мувофиқ ишлаб чиқилади.